

ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Зафаржон Зокиржонович Исоқов

Наманган Давлат Университети мустақил тадқиқотчиси Наманган, Ўзбекистон
zafarjon.isoqov.84@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10361105>

Аннотация. Илмий мақолада маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришда солиқ ва йиғимларни ундириш механизми орқали бюджет салоҳиятини мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилган. Маҳаллий бюджет даромадларини чуқур ўрганиш ва уларнинг ундиришни барқарорлигини таъминлаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш зарурлиги асосланди. Солиқларнинг маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришдаги аҳамияти ва маҳаллий бюджет даромадларини ошириш ҳамда маҳаллий солиқлар рўйхатини кенгайтириш юзасидан амалий таклиф ва тавсиялар таклиф этилди.

Калит сўзлар: бюджет маблағлари, маҳаллий бюджетлар даромадлари, маҳаллий бюджетлар ҳаражатлари, маҳаллий солиқлар ва йиғимлар, маҳаллий бошқарув, солиқ тушумлари.

Республикамызда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг бош вазифаси - макроиқтисодий барқарорлик, ишлаб чиқаришнинг изчил ва мутаносиб ўсиш суръатларини таъминлаш, жалб этилаётган инвестицияларни кўпайтириш ҳисобидан таркибий ўзгаришларни катъий давом эттириш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва янгилаш ҳисобланади.

Мазкур тадбирларни ҳаётга тадбиқ этиш, пировардида, самарали натижаларга эришиш бевосита, мамлакат молия тизимининг марказий бўғини ҳисобланган маҳаллий бюджети билан бевосита боғлиқдир. Мамлакатимизда бюджет-солиқ соҳасида олиб борилаётган ислохотлар замирида аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, иқтисодий барқарорликни таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожига кенг имконият яратиш мақсади мужассамдир.

Жумладан, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида”да маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг минтақалар маблағларини бошқариш бўйича мустақиллигини оширган ҳолда фискал номарказлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ҳисобига ижтимоий муаммоларнинг ҳал этилишини таъминловчи маҳаллий бюджетларнинг даромад манбаини кенгайтириш ҳамда бюджетлараро муносабатларни тубдан ислох қилиш орқали маҳаллий бюджетлар маблағларини бошқаришда жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг мустақил иш олиб боришини кучайтириш мамлакат бюджет сиёсатининг асосий вазифалари этиб белгиланган [1].

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг минтақалар маблағларини бошқариш бўйича мустақиллигини ошириш масаласининг белгиланиши уларнинг маҳаллий бюджетлар даромад базасини шакллантириш билан бирга, ҳудуд иқтисодий салоҳиятидан оқилона фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномасида таъкидлаганларидек, “Давлат бошқарувини ҳаддан ташқари марказлаштиришдан воз кечиш зарур. Бунинг учун кўпгина ваколатларни марказий давлат органларидан ҳудудий органларга ўтказиш керак. Ҳокимларнинг ҳудудларни ривожлантириш, маҳаллий бюджетни ижро этиш, коммунал муаммоларни ҳал қилиш каби долзарб фаолияти устидан халқимиз ўз вакиллари орқали тегишли назоратни амалга оширишига имконият яратиб бериш бизнинг энг муҳим вазифамиз бўлиб қолиши зарур” [2].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан, “2018-йил 1-октябрдан кўчмас мулкка (ер участкалари, бино ва иншоотлар, кўп йиллик дов-дарахтларга) бўлган ҳуқуқни рўйхатга олиш тўғрисидаги гувоҳномани расмийлаштиришни бекор қилиниб, тегишли ёзувни кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар ва улар билан тузилган битимлар давлат реестрига электрон шаклда киритиш” [3] тартиби жорий этилган.

Рус иқтисодчиси В.Пансков ўз тадқиқотларида табиий ресурсларни солиққа тортиш тизимидаги муаммоларга тўхталиб, уларни ҳал этиш йўллари ёритган. Унинг фикрича ресурс солиқларини бюджет даромадларидаги аҳамиятини ошириш керак. Бу жараён табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқларни ислоҳ қилишнинг стратегик йўналиши сифатида қаралиши лозим. Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқлар тизими бир томондан маҳаллий бюджети даромадларини шакллантиришнинг муҳим манбаси сифатида қаралса, иккинчи томондан давлат томонидан табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солишнинг молиявий воситаси бўлиши зарур[4].

Иқтисодий ривожланган давлатлар солиқ амалиётини қўллаган ҳолда кўчмас мулк объектларининг бозор баҳоси миқдорида баҳолаш орқали солиққа тортиш бюджетга солиқ тушумларининг ошириш билан бирга мол-мулклардан самарали фойдаланиш тартибга солади.

Шунингдек, юридик ва жисмоний шахслар учун босқичма-босқич мол-мулк ва ер солиқларини унификациялаш солиқ маъмуриятчилиги соддалаштириш мумкин.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “2017- 2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги 4947-сонли фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга марожаатномаси 2018-йил 22-декабрь <http://uza.uz>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 27-июлдаги “Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги, ПФ-5490-сон Фармони
4. Пансков В.Г. Налогообложение природных ресурсов: проблемы и пути решения. Журнал Экономика и бизнес, 2018, ст. 91-104.